

Ҳар бир нарса қазои қадар билан

05:17 / 07.07.2017 2841

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳар бир нарса, ҳатто ожиз(эсипаст)лик ва ақллилик ҳам қазои қадар билан», дедилар».

Икки шайх ва Имом Молик ривоят қилганлар.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисларида ҳар бир нарса қазои қадар билан бўлишини таъкидламоқдалар. Бунга иймон келтириш мўмин-мусулмон одамнинг Аллоҳга бўлган иймонининг тугал бўлишидир.

Ҳадиснинг охирида кишилар унча эътибор бермайдиган икки нарса-ожизлик ва ақллилик ҳам қазои қадар ила экани айтилмоқда. Албатта, бу нарсалар фитрий, асл табиатда бор нарсалар бўлиб, Аллоҳ таоло ҳар бир инсонни яратиш пайтида ушбу нарсаларни ҳам қўшиб яратади. Одатда, булар инсоннинг дахли йўқ нарсалар ҳисобланади. Аллоҳ кимга ўткир ақл берса, ўткир ақли бўлади. Аллоҳ бермаса, аксинча бўлади. Фақат инсон ўзига берилган нарсани тўғри ишлатишга масъулдир. Ақли ўтмас одам: «Нимага ақлингни ўткир қилиб олмадинг?» деб сўроқ қилинмайди. Аммо «Нима учун ақлингни яхшилаб ишлатмадинг?» дейилиши мумкин.